
Қинғир ишнинг қийиғи

Э.С. 2022 йил апрель ойининг ўрталарида ўзганинг мол-мулкни яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, жабрланувчи А.Н.нинг Ўзбекистон тумани Қайнар МФЙ Тинчлик кўчасида жойлашган яшаш хонадонга том орқали ошиб, ғайриқонуний равишда кириб, хонадон хожатхонасида турган нархи 800.000 сўмлик бир дона электрон лазер ва бир дона нархи 1.000.000 сўмлик пайвандлагични яширин равишда ўғирлаб, воқеа жойидан яширинган. Шундан сўнг Э.С. 2022 йил 20 май куни соат 22:30 ларда А.Н.нинг яшаш хонадонига аввалги каби товуқхона томи орқали ошиб, ғайриқонуний равишда кириб, хонадон хожатхонасида турган умумий нархи 4.200.000 сўмлик икки дона катта одбойник перфаратор, бир дона нархи 500.000 сўмлик кичкина перфератор, нархи 150.000 сўмлик бир дона сантехника пайвандлагичини яширин равишда ўғирлаб, воқеа жойидан яширинган. Олиб борилган суриштирув ишлари давомида Э.С.дан икки дона перфаратор (бетон тешгич) ашёвий далил тариқасида олинди, А.И.га тилхат орқали қайтарилган.

Ушбу ҳолат юзасидан жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон туман суди томонидан жиноят иши кўрилиб, суд мажлисида судланувчи Э.С.нинг кўрсатувлари тингланиб, жиноят иши ҳужжатлари ўрганилиб, унинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари малакаланиб, гарчанд суд мажлисида айбига тўлиқ иқрор ва пушаймон бўлсада, унга нисбатан тегишли жазо тайинланиб, қонун устуворлиги таъминланди. Суднинг қора курсида ўтириб, элу-юрт, ҳамкасблар ва оила аъзолари орасида юзи ерга қараган Э.С. афсуски қилмишини кеч англаб етди.

Ёшлиқда билим ўрганиб, тафаккурини бойитиш ва келгусида оиласини ҳалол ризқ билан боқиш, фарзандларига гўзал тарбия бериш кафолатидир. Бежиз айтилмаган, ёшлиқда олинган билим-тошга ўйилган нақшдир.

Ш.Мирзакиров

Жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон туман судининг раиси

2022-11-24 10:52:31